



## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil «16» июнь

№ ПҚ–283

### Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Аҳолига тез ва шошилич тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш ва яқинлаштириш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадри учун” мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

**1. Республика тез тиббий ёрдам маркази** (кейинги ўринларда – Марказ) ва унинг **14 та** ҳудудий филиали тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда тиббий автохўжаликлар негизида ташкил қилинсин ва **тез тиббий ёрдамнинг ягона вертикал бошқарув** тизими йўлга қўйилсин.

**2. Белгилансинки:**

Марказ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги тез тиббий ёрдам фаолиятини республика бўйича мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда махсус автотранспорт воситалари (эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар), дори воситалари ва сарфлаш материаллари, тиббий жиҳозлар таъминоти Марказнинг ҳудудий филиалларига ўтказилади;

Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида ситуацион мувофиқлаштирувчи бўлимлар ташкил этилиб, туман (шаҳар) ва ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини таҳлиллар асосида бошқаради ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автохўжаликлар таркибидаги тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалари Марказнинг ҳудудий филиаллари таркибига ўтказилади ҳамда автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш аутсорсинг шартномалари асосида амалга оширилади;

тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларида ёқилғи-мойлаш материалларининг сарфи электрон дастур орқали назорат қилинади.

**3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) бир ой муддатда** Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари уставлари ва тузилмаларини тасдиқласин. Бунда, Марказ директориغا, зарур ҳолларда, тасдиқланган тузилмаларга ходимларнинг чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

**4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, марказий туман (шаҳар) шифохоналари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автохўжаликларнинг янгиланган штат нормативларини ишлаб чиқсин ва **2022 йил 1 сентябрга қадар** тасдиқласин.**

**5. Қуйидагилар:**

**Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва аҳолига янада яқинлаштиришга оид чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ;

**Тез тиббий ёрдам хизматини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ** (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага мувофиқ;

**Тез тиббий ёрдам тизимида мавжуд автотранспорт воситалари паркини босқичма-босқич янгилаш режаси** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**6. Ишчи гуруҳ (О.Фазилкаримов):**

Дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижросининг таҳлил қилинишини;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида мақбуллаштирилдиган бўлим ва ташкилотларнинг белгиланишини ҳамда мулкый, молиявий ва меҳнат муносабатлари белгиланган тартибда ҳал этилишини;

тез тиббий ёрдам хизмати бўйича аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатилиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

**7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлигининг тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини** Тошкент шаҳри тажрибаси асосида республиканинг бошқа ҳудудларида **2023 йил 1 сентябрга қадар** тўлиқ жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, **2022 йил 1 декабрга қадар** Андижон, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари, **2023 йил 1 сентябрга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари туман (шаҳар)ларидаги диспетчерлик хизматлари тугатилиб, **Тошкент шаҳри тажрибаси** асосида Марказнинг ҳудудий филиалларида ягона **“Call-марказ”лар фаолияти** йўлга қўйилсин.

Белгилансинки, тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий этиш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

#### **8. Қуйидагилар:**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари – “Call-марказ”ларни ташкил этиш, жиҳозлаш ва уларнинг инфратузилмасини яратиш (электр, сув, юқори тезликдаги Интернет, телефон, рация алоқаси ва бошқалар) ҳамда атрофни ободонлаштиришга;

соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев – “Call-марказ”ларни жиҳозлаш талабларини белгилаш, уларнинг хизмат кўрсатиш ҳажми ва юқори сифатини таъминлашга шахсан масъул этиб белгилансин.

#### **9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ “Call-марказ”ларда:**

чақирувларни қабул қилувчи ходимлар билан бирга шифокор ходимлардан иборат махсус тиббий маслаҳат хизмати фаолияти ташкил этилади;

раҳбар лавозимларига IT-парклардаги иқтидорли ёшлар орасидан муносиб номзодлар тайинланади;

саралаш орқали бемор аҳоли, касаллик тури ва оғирлик даражасига қараб чақирувларга тегишли тиббий бригадаларни йўналтириш тизими жорий этилади;

тез тиббий ёрдамнинг туман (шаҳар) ёки ҳудуд чегарасидан қатъи назар беморгача масофанинг яқинлигига қараб тиббий бригадани йўналтириш йўлга қўйилади.

**10.** Ишчи гуруҳ (О.Фазилкаримов) жойларда тез ва шошилиш тиббий ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи **чора-тадбирлар дастури** амалга оширилишини таъминласин:

**а)** Марказ ва унинг ҳудудий филиалларини 4-иловага мувофиқ **жойлаштириш**, уларни **замонавий бино ва иншоотлар билан таъминлаш**;

**б)** Марказнинг ҳудудий филиаллари ва “Call-марказ”ларни **жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш** (сув, электр, алоқа, Интернет, локал тармоқ ва бошқалар);

**в)** тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини ҳамда автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш ва бошқа материаллар, дори воситалари, сарфлаш материаллари ва тиббий жиҳозлар **таъминотини ҳудудий филиалларга ўтказиш**;

**г)** марказий туман (шаҳар) шифохоналари қабулхоналарини шошилиш хизмат кўрсатишга ва юқори технологик тиббий жиҳозларни ўрнатишга мослаштириш;

**д)** тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига **радиоалоқа воситалари ва GPS-трекерлар** ўрнатиш;

**е)** тез тиббий ёрдам бригадаларини **планшетлар** билан таъминлаш;

**ж)** Марказнинг ҳудудий филиалларида **электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини** Тошкент шаҳри тажрибаси асосида жорий этиш;

**з)** тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, уларни ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни **аутсорсингга ўтказиш** ҳамда электрон тизим орқали назорат қилишни ташкиллаштириш.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2022 йил 1 декабрга қадар** ҳамда **2023 йил 1 сентябрга қадар** мутасадди раҳбарлар ҳисоботини эшитиш тавсия этилсин.

**11.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика шошилиш тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази **Республика тез тиббий ёрдам маркази ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мактаби** (кейинги ўринларда – Мактаб) этиб қайта ташкил этилсин ва Марказ тасарруфига ўтказилсин.

Белгилансинки, Мактаб тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

**12.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Кадастр агентлиги (Ф. Пулатов) билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** 10 мингта кўчага ном бериш ишларини якунласин.

**13.** Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) тез тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш ва рақамлаштириш учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камида **85 миллиард** сўм миқдордаги маблағларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасига йўналтирсин.

**14.** Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон банки шошилиш хизматларни ривожлантириш лойиҳаси доирасида **5 миллион АҚШ доллари** миқдордаги маблағларни тез ва шошилиш тиббий ёрдамни рақамлаштириш тадбирларига йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

**15.** Соғлиқни сақлаш муассасаларининг эскирган ва фойдаланилмаётган автотранспорт воситаларини кимошди савдоларида сотишдан тушган маблағлар тез тиббий ёрдам хизмати автопаркини янгилаш мақсадлари учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига йўналтирилсин.

**16.** Соғлиқни сақлаш вазирлигига тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув ҳамда ягона қўнғироқларни қабул қилиш тизимларини республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш учун Тошкент шаҳрида мазкур тизимларни жорий қилишга жалб қилинган тизим интегратори билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилсин. Бунда, кўрсатилган хизмат тарифлари Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

**17.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) **2022 йил якунига қадар** мавжуд ўринлар ва штат бирликлари доирасида:

марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг шошилич тиббий ёрдам бўлимларидаги ўринлари педиатрия, терапия ва хирургия бўлимлари таркибига ўтказилиб, беморларни касалликнинг оғирлик даражаси бўйича саралайдиган (триаж) туну-кун ишлайдиган **шошилич қабул бўлимларини**;

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, унинг ҳудудий филиаллари ҳамда барча туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида **шошилич қабул бўлимларини**;

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 1-сон, Яшнобод туманидаги 4-сон, Юнусобод туманидаги 7-сон шаҳар клиник шифохоналари ҳамда Учтепа туманидаги Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси таркибида алоҳида юридик мақомга эга бўлмаган **туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини** ташкил этсин.

**18.** Марказ ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, уларнинг ҳудудий филиаллари ҳамда туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат турларидан ташқари хизматларни пуллик асосда ташкил этишга рухсат берилсин.

**19.** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) янги ташкил этилаётган туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини жиҳозлаш учун Жаҳон банкининг “Ўзбекистонда COVID-19 коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича шошилич чораларни кўриш” лойиҳаси доирасида иқтисод қилинган маблағларни йўналтирсин.

**20.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев):

Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** шошилич қабул бўлимларининг янгиланган штат нормативларини тасдиқласин;

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда 2022 йил 1 декабрга қадар марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг ўринлар фондини аҳоли сони ва касалликлар йўналишларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин.

**21.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

**22.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**23.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев белгилансин.

**24.** Қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

## Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва аҳолига янада яқинлаштиришга оид чора-тадбирлар ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Маблағ	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
<b>I. ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b>						
<b>1.1. Тез тиббий ёрдам хизмати республика, вилоят ва туман (шаҳар) даражаларида ягона бошқарув тизимини шакллантириш</b>						
1.	Республика тез тиббий ёрдам маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ва унинг 14 та ҳудудий филиалини ташкил қилиш ҳамда тез тиббий ёрдамнинг <b>ягона вертикал бошқарув тизимини</b> йўлга қўйиш.	<p>1. Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари устави ва тузилмасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини ҳамда махсус автотранспорт воситалари (эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар), дори воситалари ва сарфлаш материаллари, тиббий жиҳозлар таъминотини Марказнинг ҳудудий филиалларига ўтказиш.</p> <p>3. Мақбуллаштириладиган бўлим ва ташкилотларни белгилаш ҳамда мулкӣ, молиявий ва меҳнат муносабатларини белгиланган тартибда ҳал этиш</p>	<p>2022 йил 15 июль</p> <p>2022 йил 1 август</p> <p>2022 йил 1 август</p>	-	-	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги</p>

		<p>чораларини кўриш.</p> <p>4. Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, марказий туман (шаҳар) шифохоналари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автоҳўжаликларнинг янгиланган штат нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2022 йил 1 сентябрь</p>			<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги</p>
2.	<p>Тез тиббий ёрдам хизматини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича <b>ҳудудий ишчи гуруҳлар</b> таркибини шакллантириш ва фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари билан ҳудудий ишчи гуруҳлар таркибини тасдиқлаш ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳлар томонидан тегишли ҳудудда тез тиббий ёрдам хизматини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>2022 йил 1 июль</p> <p>2022 йил 1 август</p>	-	-	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
3.	<p>Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари бино ва иншоотларига, уларни жиҳозлашга ҳамда тезкор Интернет, телефон, радиоалоқа тизимларига бўлган <b>меъёрий</b></p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил 1 август</p>	-	-	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва</p>

	<b>талабларни ишлаб чиқиш.</b>					коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
<b>4.</b>	Марказнинг ҳудудий филиалларини мос биноларга жойлаштириш.	Амалий чора-тадбирлар	2022–2023 йиллар давомида	Ҳисоб-китоблар асосида	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
<b>1.2. Тез тиббий ёрдам фаолиятини рақамлаштириш</b>						
<b>5.</b>	Тошкент шаҳри тажрибаси асосида ҳар бир ҳудудда тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини (кейинги ўринларда – Ахборот тизими) жорий этиш. Бунда, қуйидагиларни назарда тутиш: ҳар бир ҳудуд бўйича ягона чақирув маркази – “Call-марказ”ларни ташкил этиш ва ҳудуд бўйича барча чақириқларни фақат ушбу “Call-марказ”лар орқали қабул қилиш; “Call-марказ”лар томонидан чақирувларни бемор аҳволи, касаллик тури ва унинг оғирлик даражасига қараб саралаш ҳамда тегишли тиббий бригадаларни йўналтириш; тез тиббий ёрдамни туман	1. Марказнинг ҳудудий филиалларини уларнинг ИТ-инфратузилмаси, электр таъминоти ва ходимларнинг малака оширганлиги тўғрисида маълумотларни тўлиқ хатловдан ўтказиш. 2. Ахборот тизимини жорий этиш бўйича шартнома тузиш. 3. Техник топшириқ ишлаб чиқиш ва мутасадди ташкилотлардан эксперт хулосасини олиш. 4. Ахборот тизимини барча ҳудудларда тўлиқ жорий этиш.	2022 йил 1 июль  2022 йил 1 август  2022 йил 1 август  2023 йил 1 сентябрь	-  -  -  Ҳисоб-китоблар асосида	-  -  Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари,	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ахборот тизими интегратори

	<p>(шаҳар) ёки ҳудуд чегарасига қараб эмас, беморгача масофанинг яқинлигига қараб кўрсатишни йўлга қўйиш; дори воситалари сарфини тизим орқали назорат қилиш.</p>	<p>5. Марказнинг ҳудудий филиаллари ходимларини Ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш.</p>	<p>Режа-жадвал асосида</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида</p>	<p>Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Жаҳон банкининг кредит маблағлари</p> <p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p>
<p>6.</p>	<p>Марказнинг ҳудудий филиаллари ва “Call-марказ”ларни жиҳозлаш ва инфратузилмасини яратиш (электр, сув, юқори тезликдаги Интернет, локал тармоқ, телефон ва бошқалар) ва атрофини ободонлаштириш.</p>	<p>1. Қаттиқ ва юмшоқ инвентарь, компьютер, қўшимча монитор, узлуксиз қувват манбалари (UPS), ахборот панеллари (тегишли мосламалар билан), индивидуал эшитиш мосламалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш. 2. Узлуксиз электр таъминоти манбаи билан таъминлаш (захира электр тармоғи, генератор ускунаси, қўшимча аккумулятор батареялари), захира манбаига автоматик ўтиш тизимини (AVR) йўлга қўйиш. 3. Сервер қурилмалари, совитиш мосламалари</p>	<p>2022–2023 йиллар давомида</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида</p>	<p>Маҳаллий бюджет маблағлари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Жаҳон банкининг кредит маблағлари</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>

		(кондиционер) билан таъминлаш. 4. Юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш. 5. Локал тармоқни яратиш. 6. Марказлашган видеокузатувни йўлга қўйиш.				
7.	Тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига <b>GPS-трекерлар ва радиоалоқа воситалари</b> ўрнатиш. Бунда, ҳар бир автомашинанинг ёқилғи сарфи, босиб ўтган масофаси ва унинг жойлашуви онлайн режимда назорат қилинишини назарда тутиш.	Тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларини GPS-трекерлар ва радиоалоқа воситалари билан таъминлаш: Қорақалпоғистон Республикаси – <b>156 та</b> ; Андижон вилояти – <b>245 та</b> ; Бухоро вилояти – <b>154 та</b> ; Жиззах вилояти – <b>124 та</b> ; Қашқадарё вилояти – <b>253 та</b> ; Навоий вилояти – <b>95 та</b> ; Наманган вилояти – <b>229 та</b> ; Самарқанд вилояти – <b>282 та</b> ; Сурхондарё вилояти – <b>195 та</b> ; Сирдарё вилояти – <b>95 та</b> ; Тошкент вилояти – <b>240 та</b> ; Фарғона вилояти – <b>294 та</b> ; Хоразм вилояти – <b>149 та</b> ; Тошкент шаҳри – <b>50 та</b> .	2022 йил якунига қадар	Ҳисоб-китоблар асосида	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
8.	Тез тиббий ёрдам хизматида <b>радиоалоқа тармоғини</b> яратиш.	1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва	2022 йил 1 июль	-	-	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги,

		<p>бошқа манфаатдор идоралар вакилларида иборат таркибда ишчи гуруҳни шакллантириш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳ томонидан халқаро тажрибани инobatга олган ҳолда Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфидаги радиоалоқа тизимидан тез тиббий ёрдам хизматида фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш.</p> <p>3. Тез тиббий ёрдам хизматида радиоалоқа тармоғини яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига қарор лойиҳасини киритиш.</p>	<p>2022 йил 1 август</p> <p>2022 йил 1 сентябрь</p>			<p>Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
9.	<p>Тез тиббий ёрдам бригадаларини <b>планшетлар билан таъминлаш.</b></p>	<p>Тез тиббий ёрдам бригадалари учун <b>планшетлар</b> харид қилиш:</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси – <b>176 та</b>; Андижон вилояти – <b>325 та</b>; Бухоро вилояти – <b>154 та</b>; Жиззах вилояти – <b>150 та</b>; Қашқадарё вилояти – <b>350 та</b>; Навоий вилояти – <b>95 та</b>; Наманган вилояти – <b>300 та</b>; Самарқанд вилояти – <b>378 та</b>; Сурхондарё вилояти – <b>250 та</b>;</p>	<p>2022 йил яқунига қадар</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида</p>	<p>Маҳаллий бюджет маблағлари</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

		Сирдарё вилояти – <b>140 та</b> ; Тошкент вилояти – <b>240 та</b> ; Фарғона вилояти – <b>400 та</b> ; Хоразм вилояти – <b>169 та</b> ; Тошкент шаҳри – <b>50 та</b> .				
<b>10.</b>	Аҳолига чақирувларни <b>мобил илова</b> орқали амалга ошириш имкониятини яратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022–2023 йиллар давомида	Ҳисоб-китоблар асосида	Маҳаллий бюджет маблағлари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
<b>11.</b>	Шифохоналарда мавжуд <b>бўш ўринларни онлайн тарзда</b> электрон ахборот тизими орқали кўриш имкониятини яратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022–2023 йиллар давомида	Ҳисоб-китоблар асосида	Маҳаллий бюджет маблағлари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**1.3. Шошинч тиббий ёрдам тизimini такомиллаштириш**

<b>12.</b>	<p>Қуйидагиларни ташкил этиш: Марказий туман (шаҳар) шифохоналаридаги шошинч тиббий ёрдам бўлимидаги ўринлар педиатрия, терапия ва хирургия бўлимлари таркибига ўтказилиб, беморларни касалликнинг оғирлик даражаси бўйича тақсимлайдиган (триаж) туну-кун ишлайдиган <b>шошинч қабул бўлими</b>; Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги 1-сон, Яшнобод туманидаги 4-сон, Юнусобод туманидаги 7-сон шаҳар клиник шифохоналари ҳамда Учтепа туманидаги Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси таркибида, алоҳида юридик мақомга эга бўлмаган <b>туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари</b>; Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг ҳудудий филиаллари ҳамда барча туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларида <b>шошинч қабул бўлимлари</b>.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил якунига қадар	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
------------	---	-----------------------	------------------------	---	---	--

13.	Шошилич қабул бўлимларининг янгиланган штат нормативларини тасдиқлаш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил 1 сентябрь	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
14.	Марказий туман (шаҳар) шифохоналари қабулхоналарини ҳамда янги ташкил этилаётган туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини шошилич хизмат кўрсатишга ва юқори технологик тиббий жиҳозларни ўрнатишга мослаштириш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил 1 октябрь	Ҳисоб-китоблар асосида	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
15.	Тез тиббий ёрдам хизматида санитар авиация шаклида тиббий хизматлар кўрсатиш учун ҳаво транспортдан (вертолёт ва самолёт) фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил 1 сентябрь	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
<b>II. ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b>						
16.	Эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ҳамда маънан эскирган <b>2 183</b> дона “Дамас” ва бошқа русумли махсус автотранспорт воситаларини зарур тиббий жиҳозлар билан жиҳозланган замонавий автомобилларга босқичма-босқич алмаштириш. 2022 йилда <b>890</b> дона махсус автотранспорт воситасини харид қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022–2025 йиллар давомида	27 млн АҚШ доллари	Халқаро молия институтлари маблағлари,	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

	<p>2023-2025 йилларда ҳар йили <b>419</b> тадан жами <b>1 257</b> та махсус автотранспорт воситаси ҳамда <b>31</b> тадан жами <b>93</b> та йўлтанламас автотранспорт воситасини харид қилиш.</p> <p>Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятдан чиқарилаётган “Дамас” автомобилларини:</p> <p>10 йилдан кўп фойдаланилмаган соз ҳолатдаги махсус автотранспорт воситаларини бошқа даволаш-профилактика муассасаларига тиббий хизмат транспорти сифатида топшириш;</p> <p>носоз ҳолатдаги ёки 10 йилдан кўпроқ фойдаланилаётган автомобилларни ўрнатилган тартибда аукцион орқали сотиш.</p>			<p>Ҳисоб-китоблар асосида</p>	<p>Давлат бюджетидан ажратилган ҳамда Тез тиббий ёрдам тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари</p>	
<p>17.</p>	<p>Марказнинг ҳудудий филиалларига тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини ҳамда махсус автотранспорт, дори воситалари, сарфлаш материаллари ва тиббий жиҳозлар таъминотини ўтказиш.</p> <p>Автотранспорт воситаларини сақлаш, таъмирлаш, ёқилғимойлаш материаллари билан таъминлашни аутсорсинг хизматига ўтказиш ҳамда электрон тизим орқали назорат қилишни ташкиллаштириш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2023 йил 1 январь</p>	<p>-</p>	<p>-</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

18.	Марказ ва унинг Тошкент шаҳар ҳудудий филиалини замонавий лойиҳа асосида барпо этиш ҳамда тезкор Интернет, телефон хизмати, радиоалоқа тизимлари билан таъминлаш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил 1 март	Ҳисоб-китоблар асосида	Маҳаллий бюджет маблағлари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қурилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
<b>III. ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КЎРСАТИЛАДИГАН ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ОШИРИШ</b>						
<b>3.1. Тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш</b>						
19.	Тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув тизими йўлга қўйилган ҳудудларда ушбу тизимдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ходимлар фаолиятини КРІ тизими орқали баҳолаш механизминини жорий этиш.	Қўшма буйруқ	2022 йил 1 октябрь	Ҳисоб-китоблар асосида	Тез тиббий ёрдам муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармалари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги
20.	Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида давлат тадбирларидан ташқари бошқа тадбирларга тез ёрдам бригадаларининг жалб қилишни пуллик асосда ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил 1 сентябрь	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>3.2. Тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг ўқитиш тизимини такомиллаштириш ва малака оширишнинг янги механизмларининг жорий этиш</b>						
21.	<b>Республика тез тиббий ёрдам маркази ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мактаби фаолиятининг йўлга қўйиш.</b> Бунда қуйидагилар назарда тутилади: Мактабнинг ҳудудий	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил яқунига қадар	-	Хорижий грант ҳамда ҳомийлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

<p>филиалларини ташкил этиш ва уларнинг грант ҳамда ҳомийлар маблағлари ҳисобидан жиҳозланишини таъминлаш;          Мактаб ва унинг ҳудудий филиалларига пуллик хизматларни ташкил қилишга ҳамда пуллик хизматлардан келиб тушган маблағларни ўзининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, КРІ тизими асосида ходимларни муносиб рағбатлантиришга йўналтиришга рухсат бериш;          тез тиббий ёрдам бригадаларининг <b>12 мингдан</b> зиёд шифокорлари ва <b>28 мингга</b> яқин фельдшер ва ҳамшираларини ўқитиш тизимини йўлга қўйиш;          малака ошириш жараёнига Туркия, Корея Республикаси ва Франция каби тез тиббий ёрдам тизими ривожланган мамлакатлардан мутахассислар жалб қилиш.</p>		<p>Режа-жадвал асосида</p>			
<p><b>22.</b> Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам станциясидаги симуляцион марказда <b>тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини</b> тажриба-синов тариқасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича бир ойлик курсда ўқитишни ташкил этиш, бунда:          2022 йил охиригача Тошкент шаҳридаги тез тиббий ёрдам</p>	<p>Режа-жадвал асосида</p>	<p>2022 йил октябрь ойидан бошлаб</p>	<p>-</p>	<p>-</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p>

	ҳайдовчиларини; 2023 йилдан бошлаб босқичма-босқич ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам ҳайдовчиларини ўқитиш.					
23.	<b>Тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларини</b> аттестациядан ўтказиш модулларини ишлаб чиқиш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	2022 йил 1 октябрь	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
24.	Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари тез тиббий ёрдам станцияларидаги симуляцион марказларда <b>бир ҳафталик</b> курсда тегишли <b>тез тиббий ёрдам ходимларининг</b> малакасини ошириш, бунда: 2022 йил охиригача Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги тез тиббий ёрдам ходимларининг; 2023 йилдан бошлаб босқичма-босқич ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам ходимларининг малакасини ошириш.	Режа-жадвал асосида	2023 йил якунига қадар	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
25.	Тез тиббий ёрдам ходимларини <b>хорижга малака оширишга</b> юбориш.	Режа-жадвал асосида	2022–2023 йиллар давомида	Ҳисоб-китоблар асосида	Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

26.	<p>Тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларида (тиббиёт техникумлари ва коллежлар) фельдшерликка ўқиётган ёшларни тез тиббий ёрдам <b>автотранспорт воситаларини бошқаришга ўргатиш.</b></p>	<p>Тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларида фельдшерликка ўқиётган ёшларни асосий таълим дастурларига қўшимча равишда ҳайдовчиликка ўқитишни йўлга қўйиш.</p> <p>Бунда: тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларини ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш ҳуқуқига эга таълим муассасаларига бириктириш; ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш истагида бўлган ўқувчилар рўйхатини шакллантириш ва бириктирилган таълим муассасаларига тақдим этиш; шакланган гуруҳларни ички ишлар органларидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ва ҳайдовчиликка ўқитиш курсларини ташкил этиш.</p>	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб	Ҳисоб-китоблар асосида	Бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>3.3. Тез тиббий ёрдам тизимида кўрсатиладиган тиббий хизматни янада яхшилаш</b>						
27.	<p>Тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг <b>стандарт ва протоколларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.</b></p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи</p>	2022 йил 1 сентябрь	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

28.	<p><b>Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида</b> тез тиббий ёрдам орқали келган беморларга ихтисослиги бўйича шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш. Кўрсатилган тиббий ёрдам учун тўловларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали амалга ошириш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил 1 август	Ҳисоб-китоблар асосида	Соғлиқни сақлаш вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси
29.	<p>Сирдарё вилоятида тажриба-синов тариқасида <b>нодавлат тиббиёт ташкилотларига</b> тез тиббий ёрдам орқали келган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш. Кўрсатилган тиббий ёрдам учун тўловларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали амалга ошириш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил 1 август	Ҳисоб-китоблар асосида	Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига ажратилган маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси
30.	<p>Аҳолининг тез тиббий ёрдам хизматидан фойдаланишдаги масъулияти ва бунинг аҳамиятини кенг тарғиб этувчи материалларни тайёрлаш ва <b>оммавий ахборот воситаларида доимий кўрсатиб бориш.</b></p>	Амалий чора-тадбирлар	2022–2023 йиллар давомида	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси

**Тез тиббий ёрдам хизматини ислоҳ қилишга қаратилган  
чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича  
ИШЧИ ГУРУҲ ТАРКИБИ**

1. О.Р. Фазилкаримов – соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари,  
*Комиссия раиси*
2. М.Ш. Юлдашев – Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги бошқарма  
бошлиғи, *Комиссия раисининг  
ўринбосари*
3. Д.Т. Султанов – Вазирлар Маҳкамасининг  
бош мутахассиси
4. А.Р. Мансуров – Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги бошқарма  
бошлиғи
5. У.Р. Рискиев – Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
бош бошқарма бошлиғи
6. А.Д. Хасанов – Молия вазирлиги департамент  
директори ўринбосари
7. Ф.Р. Далимов – Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги бошқарма бошлиғи
8. И.М. Эргешев – Кадастр агентлиги бошқарма  
бошлиғи
9. Ф.Ф. Ахунов – Қурилиш вазирлиги бошқарма  
бошлиғи
10. Б.Й. Казакбаева – Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирлиги бошқарма бошлиғи  
ўринбосари
11. Лавозими бўйича – Республика тез тиббий ёрдам  
маркази директори

12. А.Х. Гафуров – “ВеPro дастурчилар маркази” МЧЖ  
бош директори
13. Д.Б. Туляганов – Республика шошилич тиббий ёрдам  
илмий маркази бош директори,  
*Комиссия котиби*

*Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 16 июндаги ПҚ–283-сон қарорига  
3-илова

**Тез тиббий ёрдам тизимида мавжуд автотранспорт воситалари паркини босқичма-босқич янгилаш  
РЕЖАСИ**

Т/р	Ҳудудлар	Жами	2022 йилда	2023 йилда		2024 йилда		2025 йилда	
				Махсус автотранс- порт воситаси	Йўлтанламас автотранс- порт воситаси	Махсус автотранс- порт воситаси	Йўлтанламас автотранс- порт воситаси	Махсус автотранс- порт воситаси	Йўлтанламас автотранс- порт воситаси
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	145	73	21	3	21	3	21	3
2.	Андижон вилояти	180	63	37	2	37	2	37	2
3.	Бухоро вилояти	131	71	18	2	18	2	18	2
4.	Жиззах вилояти	105	51	16	2	16	2	16	2
5.	Қашқадарё вилояти	225	78	47	2	47	2	47	2
6.	Навоий вилояти	61	31	8	2	8	2	8	2
7.	Наманган вилояти	231	69	52	2	52	2	52	2
8.	Самарқанд вилояти	260	98	52	2	52	2	52	2
9.	Сирдарё вилояти	94	58	10	2	10	2	10	2
10.	Сурхондарё вилояти	169	67	32	2	32	2	32	2
11.	Тошкент вилояти	221	59	52	2	52	2	52	2
12.	Фарғона вилояти	270	108	52	2	52	2	52	2
13.	Хоразм вилояти	131	59	22	2	22	2	22	2
14.	Тошкент шаҳри	17	5	-	4	-	4	-	4
	<b>Жами</b>	<b>2 240</b>	<b>890</b>	<b>450</b>		<b>450</b>		<b>450</b>	

**Республика тез тиббий ёрдам маркази ҳудудий филиалларини жойлаштириш  
режа-жадвали**

<b>T/p</b>	<b>Ҳудудлар</b>	<b>Филиал жойлаштириладиган манзил</b>	<b>Филиални жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар</b>	<b>Амалга ошириш муддати</b>
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри, Аллаяр Досназаров кўчаси, 100-А-уй <i>(Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали биноси)</i>	Бинода реконструкция ишларини олиб бориш	2023 йил май
2.	Андижон вилояти	Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 5-уй <i>(Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали Тез тиббий ёрдам станцияси)</i>	Бинода реконструкция ишларини олиб бориш	2022 йил август
3.	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси 159-уй <i>(Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали Тез тиббий ёрдам станцияси)</i>	Янги бино қуриш	2023 йил июнь
4.	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри, Шифокорлар кўчаси, 1-уй <i>(Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали Тез тиббий ёрдам бўлими)</i>	Қўшимча бино қуриш	2023 йил декабрь

5.	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри, “Хўжахиёл” МФЙ, Абай кўчаси, 2-уй ( <i>Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали Тез тиббий ёрдам станцияси</i> )	Бинода реконструкция ишларини олиб бориш ва қўшимча бино қуриш	2023 йил август
6.	Навоий вилояти	Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 27-уй	Қўшимча бино қуриш	2023 йил декабрь
7.	Наманган вилояти	1. Наманган шаҳри, Шоҳруҳобод кўчаси, 26-уй ( <i>Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали Тез тиббий ёрдам станцияси</i> ) 2. Наманган шаҳри, “Чаманзор” МФЙ, Гўзал кўчаси, 94-уй	Бинони капитал таъмирлаш  Янги бино қуриш	2023 йил декабрь  2023 йил август
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, Хўжа Аҳрор Вали кўчаси 21-уй ( <i>Сўзангарон тиббиёт коллежи</i> )	Бинода реконструкция ишларини олиб бориш	2022 йил сентябрь
9.	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри, “Ўзбекистон” МФЙ, Алишер Навоий кўчаси, 68-уй ( <i>Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали Тез тиббий ёрдам бўлими</i> )	Бинони фойдаланишга топшириш	2022 йил сентябрь
10.	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри, 4-мавзе, Гулистон кўчаси ( <i>Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали Тез тиббий ёрдам бўлими</i> )	Бинода реконструкция ишларини олиб бориш	2023 йил сентябрь
11.	Тошкент вилояти	Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, “Ойбек” МФЙ, Улуғбек кўчаси, 1-уй ( <i>Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали Тез тиббий ёрдам станцияси</i> )	Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, “Бирлик” МФЙ ҳудудидан филиал учун ер майдони ажратиш ва янги бино қуриш	2023 йил июль

<b>12.</b>	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри, “Ифтихор” МФЙ, Табобат кўчаси, 24-уй <i>(Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали Тез тиббий ёрдам станцияси)</i>	Бинони капитал таъмирлаш ва реконструкция ишларини олиб бориш, қўшимча бино қуриш	2023 йил август
<b>13.</b>	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри, Комилжон Отаниёзов кўчаси, 1-уй <i>(Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали Тез тиббий ёрдам бўлими)</i>	Бинони капитал таъмирлаш ва реконструкция ишларини олиб бориш, қўшимча бино қуриш	2023 йил май
<b>14.</b>	Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-4, 17-а-уй <i>(Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар Тез тиббий ёрдам станцияси)</i>	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани ҳудудидан Республика тез тиббий ёрдам маркази ҳамда унинг Тошкент шаҳар филиали учун ер майдони ажратиш ва янги бино қуриш	2023 йил март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 16 июндаги ПҚ–283-сон қарорига  
5-илова

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартириш**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4391-сон қарори 12-бандининг иккинчи хатбошиси “рўйхат бўйича” сўзларидан кейин “тиббиёт йўналишидаги ўқув симуляцион асбоб-ускуналар, шунингдек,” сўзлари билан тўлдирилсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини bepул етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–217-сон қарори 9-бандининг учинчи хатбошисидаги “1 июнга” сўзлари “1 июлга” сўзлари билан алмаштирилсин.

